

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ДУСМУХАМЕДОВ ОЙБЕК СУРАТБЕКОВИЧ

**АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЛМий-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Тижорат банклари мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

08.00.01 – «Иқтисодиёт назарияси»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Дусмухамедов Ойбек Суратбекович

Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини
такомиллаштириш (Тижорат банклари мисолида)3

Дусмухамедов Ойбек Суратбекович

Совершенствование научно-методологических основ повышения финансовой
грамотности населения (на примере коммерческих банков)27

Dusmukhamedov Oybek Suratbekovich

Improving the scientific and methodological basis for increasing the financial
literacy of population (by the example of commercial banks)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ДУСМУХАМЕДОВ ОЙБЕК СУРАТБЕКОВИЧ

**АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЛМий-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Тижорат банклари мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

08.00.01 – «Иқтисодиёт назарияси»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1479 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Вахабов Абдурахим Васикович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Расулов Алишер Файзиевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор Хайдаров Низамиддин Хамраевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/10.12.2019.1.16.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «16» август кuni соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.


Диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11d3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «02» август кuni тарқатилди.
(2022 йил «04» август даги № 1 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т. Бердиёров
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор


У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида содир бўлган турли иқтисодий инқирозлар, жумладан, «Covid-19» пандемияси шароитида дунё ҳамжамиятининг олдида аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларга устуворлик қаратилди. Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, «дунёда, шу жумладан, G20 гуруҳига аъзо мамлакатлар аҳолисининг аксарияти асосий молиявий маҳсулотлар ва ушбу маҳсулотлар билан боғлиқ рискларни тушуниш юзасидан етарли билимга эга эмаслиги аниқланди»¹. Шунингдек, «Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотига аъзо мамлакатлар аҳолисининг 56,8 фоизи молиявий саводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномаларда минимал балл тўплаган»². Халқаро экспертларнинг фикрича, бугунги кунда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг назарий жиҳатларини такомиллаштириш ва миллий давлат дастурлари самарадорлигини ошириш борасидаги илмий изланишларга устуворлик берилган ҳолда, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, молиявий саводхонлик дастурларини бозор иқтисодиёти компонентлари билан бойитиш, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишда молиявий ташкилотлар, жумладан, тижорат банкларининг мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган илмий тадқиқотлар янада жадаллашмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти талаблари асосида молия тизими шаклланди ва мунтазам такомиллашиб бормоқда. «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, уларни молиявий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капитал бозорини молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ташаббусларни ҳамжиҳатликда амалга оширган ҳолда мутасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган ҳамда «2021-2023 йилларда капитал бозори иштирокчиларининг молиявий саводхонлик соҳасидаги малакасини ошириш» кўзда тутилган⁴. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида молия бозорининг амал қилиши, аҳолига кўрсатиладиган молиявий

¹ Совершенствование национальных стратегий финансового образования. Совместная Публикация председательства Российской Федерации в «Группе двадцати» и ОЭСР.ОЕСД., 2013. – С. 5.

² OECD/INFE International survey of adult financial literacy © OECD., 2020. – P. 21.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

хизматлар ва ишлаб чиқарилаётган молиявий маҳсулотларнинг сифатини такомиллаштиришда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг устувор йўналишларига бағишланган чуқур илмий тадқиқотларни олиб бориш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий Стратегиясини ишлаб чиқиш ва келгусида амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган «2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий Стратегияси» ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хонадон хўжалиги молияси, аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишини ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг назарий-методологик жиҳатлари П.К.Лант, С.Ливингстоун, Ж.Рооиж, А.Лусарди, Ж.Кампбелл, Б.Эмпонсах, О.Столпер, А.Валтер, Н.Ли⁵ларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг давлат дастурларини шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг илмий-услубий асослари, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини аниқлаш услубиёти, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг инсонларнинг молиявий хулқ-атворида бўлган таъсири Е.Ю.Сушко, Д.В.Моисеева, А.А.Максимова, А.В.Зеленцова, Е.А.Блискавка, Д.Н.Демидов, А.В.Абышева,

⁵ Peter Kenneth Lunt, Sonia Livingstone // Mass Consumption and Personal Identity: everyday economic experience. – Buckingham, UK: Open University Press, 1992. – 213 p.; Rooij M.C.J., Lusardi A., Alessie R.J.M. Financial Literacy and Retirement Planning in the Netherlands // Journal of Economic Psychology, 2011. – № 32; Lusardi Annamaria. Household saving behavior [electronic resource]: the role of financial literacy, information, and financial education programs. – Cambridge, MA: National Bureau of Economic Research, 2008. – P. 44; Campbell J. Household Finance // Journal of Finance, 2006. – № 61; Oscar A., Stolper A. Walter // Financial literacy, financial advice and financial behavior // J Bus Econ (2017) 87: P. 581-643; Lee N. // Financial literacy and financial literacy education: What might be the components of an effective financial literacy curriculum? // Institute of Education University of London. 2010 - 338 p.

Е.С.Корчемкина, Е.Н.Алифанова, Ю.С.Евлахова, О.В.Богомоллова, У.С.Хикматов, С.Р.Шибает, О.И.Еремина⁶ каби яқин хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик А.В.Вахабов, Ш.А.Тошматов, Н.Х.Хайдаров, А.В.Вахабов, Д.А.Таджибаева, Қ.Қ.Қуролов, Э.Шадманов, Н.И.Хасанханова, М.Обилов⁷ каби иқтисодчи олимлар томонидан молиявий ва иқтисодий саводхонликнинг назарий асослари, хонадон хўжалиги даромадларининг манбалари ва харажатларини бошқариш, билимлар ва креатив иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш, оила бюджетини шакллантириш ва харажатлар самарадорлигини оширишнинг амалий жиҳатлари ўрганилган. Шу билан биргаликда Ўзбекистон аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг назарий-амалий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари комплекс тарзда, тизимли мустақил тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Иқтисодий адабиётда олиб борилган тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш методологияси, молиявий саводхонлик бўйича давлатнинг узок муддатли даврга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги ва кутилаётган илмий натижаларни муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунинг тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ФЗ-2621020966-сон «Умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа

⁶ Сушко Е.Ю. Влияние финансовой грамотности населения на развитие экономики региона. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Волгоград, 2018. – 28 с.; Моисеева Д.В. Финансовая грамотность населения российского региона: экономико-социологический анализ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.с.н. – Волгоград, 2017. – 30 с.; Максимова А.А., Сергейчик М.С. Целевые ориентиры и положительные эффекты повышения уровня финансовой грамотности // Вестник ТППУ (TSPU Bulletin), 2015. – № 5 (158). – 70 с.; Зеленцова А.В., Блискавка Е.А., Демидов Д.Н. Повышение финансовой грамотности населения: международный опыт и российская практика. – М., 2012. – 112 с.; Абышева А.В., Корчемкина Е.С. Актуальные вопросы повышения финансовой грамотности населения: отечественный и зарубежный опыт // Вестник Евразийской науки, 2018. – № 2. – С. 9; Богомоллова О.В., Мамедова Р.И., Скотников А.Э., Часовников С.Н. Финансовая грамотность как фактор повышения благосостояния населения // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2016. – № 1 (часть 3). – С. 380-383; Хикматов У.С., Койчуева М.Т. Необходимость повышения финансовой грамотности населения (теоритический аспект) // Вестник КРСУ., 2015. Том 15. – № 8. – 174 с.; Шибает С.Р. Зарубежный опыт повышения финансовой грамотности населения // Финансы и кредит, 2015. – № 24 (648). – С. 7; Еремина О.И. Финансовая грамотность населения и пути ее повышения; Алифанова Е.Н., Евлахова Ю.С. «Анализ методических подходов к разработке индикаторов финансовой грамотности населения» // Журнал «Финансовая система», 2013. – № 12 (540). – С. 9.

⁷ Moliyaviy savodxonlik asoslari. O'quv qo'llanma / A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Haydarov, A.V.Vaxabov. – Toshkent: Vaktria Press, 2013. – 288 b.; Куролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқт. ф. д. дисс. автореф. – Т.:ТДИУ., 2016. – 90 б.; Шадманов Э., Хасанханова Н. Теоритические основы экономического мышления. Монография. – М.: «LAP LAMBERT Academic Publishing RU», 2020. – 104 с.; Обилов М.Р. Аҳолининг молиявий саводхонлиги: мазмуни, аҳамияти ва асосий жиҳатлари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2019. – № 1. Январь-февраль.

технологияларига асосланган ўқув курси платформасини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг зарурияти, моҳияти, таркиби ва назарий асосларини тадқиқ этиш;

аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолашнинг илмий-услубий асослари ва таркибий компонентларини аниқлаш;

аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг илғор хориж тажрибасини қиёсий таҳлил этиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлигини оширишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

аҳоли молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг тижорат банклари томонидан молиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ортиши ва сифатининг яхшиланишига таъсирини баҳолаш;

тижорат банклари томонидан мижозларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган таълим дастурларини амалга ошириш харажатлари миқдорининг муддати ўтган кредит қарздорлигининг камайишига таъсирини баҳолаш;

мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги ҳолатини баҳолаш, ривожланиш тенденциялари, муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолашнинг миллий индикаторлари тизимини ишлаб чиқиш;

давлат томонидан аҳолини молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг узоқ муддатли даврга мўлжалланган стратегиясини амалга оширишнинг иқтисодий механизмнинг босқичлари ва устувор йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб тижорат банклари хизматлари мисолида Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, танланма сўровнома, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

аҳоли молиявий саводхонлиги унинг молиявий билими, кўникма, малакаси ҳамда молиявий қарорларни қабул қилиш қобилияти билан боғлиқ саволларга

жавоби асосида «юқори» – $1 \geq 0,801$, «ўрта» – $0,800 \geq 0,601$ ва «қуйи» – $0,600 \geq 0,401$ чегараларда комплекс баҳолаш таклиф этилган;

тижорат банкларида «мижозларнинг молиявий саводхонлигини ошириш маркази»ни йўлга қўйиш банкнинг молиявий кўрсаткичлари ҳажми ва сифатини ошишига ижобий таъсир кўрсатиши асосланган;

«молиявий саводхонлик» тушунчаси молиявий қарорларни қабул қилиш имконини берувчи молиявий-иқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш асосида, уларнинг таркибий қисмлари тавсифланган ҳолда такомиллаштирилган;

тижорат банкларида аҳолининг молиявий хулқ-атворнинг шаклланиши банклар кредит портфелида муаммоли кредитлар улушини пасайишига, депозит ва кредитлар ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аҳолининг молиявий саводхонлиги иқтисодий категориясининг мазмун моҳияти молиявий саводхон бўлган фуқароларнинг молиявий хулқ-атворида таъсири нуқтаи назаридан илмий асослаб берилган;

аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини индекслар асосида таснифлашнинг сўровнома шакли ишлаб чиқилган;

«Covid-19» пандемияси шароитида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурларининг самарадорлиги ва уларнинг манзиллилигини оширишга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

аҳоли молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг тижорат банклари томонидан хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ортиши ва сифатида таъсири аниқланган;

тижорат банклари томонидан мижозларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган таълим дастурларини амалга оширилиш харажатлари миқдорини уларнинг муддати ўтган кредит қарздорлигининг камайишига таъсири аниқланган;

аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш жараёнида инсонларнинг молиявий хулқ-атворида таъсир этувчи омиллар тавсифланган ва таснифланган;

узоқ муддатли истиқболда мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг иқтисодий механизми босқичлари ва устувор йўналишлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий маълумотларидан фойдаланилгани, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асослангани, келтирилган хулоса, таклиф ва

тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, молиявий саводхонлик бўйича давлат дастурларининг қамров даражасини ошириш ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг 2030 йилга мўлжалланган стратегияси, мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Иқтисодиёт назарияси», «Молия», «Пул, кредит, банк», «Банк иши», «Креатив иқтисодиёт» ва «Креатив тадбиркорлик асослари» фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга таълим бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳоли молиявий саводхонлиги унинг молиявий-иқтисодий билими, кўникма, малакаси ҳамда молиявий қарорларни қабул қилиш қобилияти билан боғлиқ саволларга жавоби асосида «юқори» – $1 \geq 0,801$, «ўрта» – $0,800 \geq 0,601$, «қуйи» – $0,600 \geq 0,401$ чегараларда комплекс баҳолаш таклифи Банк Бошқарувининг 2018 йил 7 декабрдаги «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки мижозларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган йўл харитаси» тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2021 йил 21 июндаги 01-29/1692-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 550 дан ортиқ мижозларининг молиявий саводхонлик даражаси аниқланган;

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкида Банк Бошқарувининг 2019 йил 15 мартдаги 30-шт-сон буйруғи билан «Мижозлар ва ходимларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ўқув маркази» ташкил этилган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2021 йил 21 июндаги 01-29/1692-сон маълумотномаси). Натижада «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2020 йилда мижозлар ва ходимларнинг молиявий саводхонлигини оширишга сарфланган харажатлар миқдори 2019 йилга нисбатан 1,4 баробарга оширилиши баробарида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан жисмоний шахс бўлган банк мижозларининг муддатли депозитлар ҳажми 1,7 баробарга, банк кредит портфели қолдиғи эса 1,3 баробарга кўпайган;

«молиявий саводхонлик» тушунчаси молиявий қарорларни қабул қилиш имконини берувчи молиявий-иқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш асосида, уларнинг таркибий қисмлари тавсифланган ҳолда такомиллаштирилган таърифи «Креатив тадбиркорлик асослари» ўқув қўлланмасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сонли буйруғига асосан 110-277-сон гувоҳномаси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданияти институтининг 2021 йилнинг 27 июлидаги 03-5/3-1218-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма 5151700 – «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» бакалавриат таълим йўналишида ўқитиладиган «Маданият ва санъат соҳасида креатив тадбиркорлик», 5A151701 – «Маданият ва санъат соҳаси менежменти» магистратура мутахассислигида ўқитиладиган «Креатив иқтисодиёт» фанларини ўқитишда, ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш, жараёнида манба сифатида фойдаланилган;

тижорат банкларида аҳолининг молиявий хулқ-атворнинг шаклланиши банklar кредит портфелида муаммоли кредитлар улушини пасайишига, депозит ва кредитлар ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиши тақлифи «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг «Мижозларининг молиявий саводхонлигини ошириш юзасидан 2019-2021 йилларга мўлжалланган йўл харитаси»га киритилган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2021 йил 21 июндаги 01-29/1692-сон маълумотномаси). Ушбу тақлифни амалиётга татбиқ этиш натижасида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан чакана кредит маҳсулотларидан фойдаланадиган мижозлар сони 3,9 баробарга, пластик карталар эгалари сони 1,5 баробарга ва банкка муддатли омонат қўйган мижозлар сони 1,3 баробарга ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та илмий мақолалар, жумладан, 1 таси «импакт фактор»га эга хорижий журналда ва 3 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида молиявий саводхонлик тушунчасининг моҳияти, унинг таркибий тузилиши, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишга бағишланган илмий-назарий қарашлари, уни баҳолаш мезонлари, индикаторлари ва уларни ҳисоблаш амалиёти қиёсий таҳлил қилиниб, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва мамлакатимиз амалиётида қўллаш имкониятлари аниқланган.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш зарурияти 2008 йилда содир бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари ва унинг салбий оқибатларида яққол намоён бўлди. Жумладан, аксарият ривожланган мамлакатларда ташқи қарзнинг ортиши, ортиқча рискни ўз зиммасига олиш ва рискни бошқаришдаги нуқсонлар, молия секторида молиявий активлар, реал активлар баҳосининг ҳолисона шаклланишига салбий таъсир кўрсатди⁸:

қатор ривожланган мамлакатларда молиявий инновацияларнинг барқарор суръатларда ривожланиши, молиявий маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ва қулай шартларда ички ҳамда ташқи молиялаш манбалари орқали истеъмол мақсадларидаги қарздорликнинг ортишига олиб келди;

ривожланаётган мамлакатларда молиявий секторнинг етарли даражада ривожланмагани ортиқча жамғармаларнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги дефицитини молиялаштиришга йўналтирилишига сабаб бўлди;

ҳалқаро валюта тизимидаги асимметрия: Бреттон Вудс тизими таназзулидан сўнг ривожланган мамлакатларда валюта курсининг эркин сузиш режимини жорий этган ҳолда, аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг бошқариладиган сузиш режимидан фойдаланаётганлиги.

Юқоридагиларга асосан молиявий-иқтисодий муносабатларнинг барқарор ривожланишида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш долзарб глобал талабга айланмоқда.

Иқтисодий адабиётда XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар фаол суръатларда амалга оширила бошланди. Қуйидаги жадвалда иқтисодий ва молиявий саводхонлик тушунчаларининг иқтисодий мазмунини тўлиқ таҳлил қилиш учун иқтисодий адабиётда унга нисбатан берилган таърифларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди.

⁸ Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Монография. – Т.: «Akademnashr», 2009. – Б. 6-7.

1-жадвал

«Иқтисодий ва молиявий саводхонлик» тушунчаларига берилган таърифлар таҳлили⁹

Муаллифлар	Таъриф	Ўзига хос хусусиятларининг таҳлили
Вебер М.	«Инсоннинг иқтисодий хулқи – субъект томонидан унинг эга бўлган ресурслар устидан назоратининг маданийлашган усули бўлиб, субъектив ва объектив равишда ресурсларнинг иқтисодий нафлилиги нуқтаи назаридан ресурслар устидан назоратни амалга оширади»	Аҳолининг молиявий саводхонлиги инсон молиявий хулқ-атворининг ажралмас қисми ҳисобланади ва иқтисодий саводхонлик билан ўзаро мутаносибликда бўлади.
Друкер П.	«Шахснинг иқтисодий-молиявий саводхонлиги даражаси унинг бозордаги товар ва хизматлар билан пулга нисбатан муносабатини белгилайди.	Молиявий саводхонлик иқтисодий саводхонлик билан боғлиқ тушунча бўлиб, инсоннинг ҳаётий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.
Кийосаки Р.	«Молиявий саводхонлик иқтисодий-молиявий билимларнинг самараси бўлиб, дастлаб пул топиш, жамғариш, онгли равишда жамғармани юқори самарадорликка эга инвестицияга йўналтириши, даромадини ошириши ва ўз ҳаётининг яхшилаши билан изоҳланади.	Инсоннинг молиявий саводхонлиги пул маблағларини ишлаб топиш, жамғариш, уни кўпайтириш мақсадида самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ.
Стахович Л.В.	«Молиявий саводхонлик – бу инсоннинг мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида эгаллаган молиявий-иқтисодий билимлари билан ҳаёти мобайнида шаклланган кўникмаларини қамраб олади.	Инсоннинг молиявий саводхонлик асослари таълим масканларида олган билимлари билан ҳаёти давомида орттирган малака ва кўникмалари асосида шаклланади.
Вахабов А.В.	«Молиявий саводхонлик – фуқаронинг молиявий маҳсулотлар ва хизматлар бозорида актив позициясини эгаллаши, жамиятда ўзи ва оила аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш учун зарур билим ва кўникмаларининг йиғиндиси сифатида намоён бўлади.	Инсоннинг молиявий саводхонлиги бу унинг билим ва кўникмаларини молия бозори хизматларидан самарали ҳамда фаол фойдаланишини англатади.
Шадманов Э.	Молиявий фикрлаш – бу маблағларни инвестициялаш бўйича қарорларни баҳолаш малакаси ва хатти-ҳаракатларидир.	Молиявий фикрлашининг ривожланиши иқтисодий фаровонликни таъминлашда аҳолининг молиявий ҳолати ва таркибий тузилишининг ижобий ўзгариши баён этилган.

⁹ Müller S. & Weber M. (2010). Financial Literacy and Mutual Fund Investments: Who Buys Actively Managed Funds? Schmalenbach Business Review 62 (2). – P. 126-153; Drucker P.F. Post – Capitalist Society. – Oxford Butterworth: Heinemann, 1993. – P. 271; Кийосаки Р.Т. Богатый папа, бедный папа / Р.Т.Кийосаки. – «Попурри», 2011. – С. 33; Стахович Л.В. Необходимость повышения финансовой грамотности молодежи как важнейший приоритет государственной политики. <http://ecsocman.hse.ru/text/33372918/>; Moliyaviy savodxonlik asoslari. O‘quv qo‘llanma / A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Haydarov, A.V.Vaxabov. – Toshkent: Baktria Press, 2013. – B. 14; Шадманов Э., Хасанханова Н. Теоретические основы экономического мышления. Монография. – М.: «LAP LAMBERT Academic Publishing RU», 2020. – С. 64.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда молиявий саводхонлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Молиявий саводхонлик – бу ижобий молиявий ҳулқ-атворга, таянч иқтисодий ва молиявий билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлиш билан бир қаторда, ўзининг молиявий ресурсларини бошқариш жараёнида самарали қарорларни қабул қилиши, ҳақ-ҳуқуқларини билиши, турли молиявий иқтисодий рискларни тўғри баҳолай олишини англатади.



1-расм. Инсон молиявий саводхонлиги даражасининг таркибий компонентлари¹⁰.

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

Таклиф этилаётган молиявий саводхонлик категориясига берилган муаллифлик таърифидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасининг таркибий компонентларининг 1-расмда келтирилган тартибда гуруҳланиши мақсадга мувофиқ.

1-расмда қўлланилган гуруҳлаш амалиётидаги таркибий компонентларга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

молиявий билим – инсоннинг молиявий маҳсулотлар (депозитлар ва кредитлар) хусусиятлари, инфляция, риск, солиқ, ва суғурта ўртасидаги муносабатларини англашини билдиради;

молиявий кўникма ва **малака** – аҳоли ўз даромад ва харажатларини режалаштириш, иқтисод қилиш, молиявий маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш, молиявий шартномалар билан танишиш, уларнинг мазмунини тушунган ҳолда имзолаш кўникмалари ва малакаларига эга эканлигини билдиради;

молиявий компетентлик – бу аҳолининг молиявий билими, молиявий кўникма ва малакалари асосида кундалик ҳаётида самарали молиявий қарорларни қабул қилиш қобилиятини акс эттиради.

Жаҳонда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолаш ва унинг мониторингини амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда Халқаро молия институтлари, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда Жаҳон банки гуруҳининг услубиёти муҳим аҳамият касб этади (2-расмга қаранг).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ	ЖАҲОН БАНКИ
МОЛИЯВИЙ БИЛИМ – молиявий мавзуларни ўзида акс эттирадиган ва турли қийинчиликдаги саволлардан фойдаланилади.	МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК – сўровнома кўникма, билим ва малакавий саволлардан ташкил топади .
МОЛИЯВИЙ ХУЛҚ-АТВОР – маълум бир маҳсулот ёки товар сотиб олишдан олдин дастлабки ҳисоб-китобларни амалга ошириши, мажбуриятларини ўз вақтида бажариши, шахсий (оилавий) бюджетни тузиш ва юритиш, жамғарма, кредит олиш бўйича саволлардан фойдаланилади.	МОЛИЯВИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИК – молия соҳасидаги элементар тушунчалар бўйича билим ва амалий кўникмаларга эгаллиги баҳоланади. Ушбу ёндашувига асосланган тадқиқотларни, асосан, молия тизими беқарор бўлган мамлакатларда амалга оширилади.
УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШГА МУНОСАБАТИ – муносабат ва афзал билиши молиявий саводхонликнинг муҳим элементи. Агар фуқаролар жамғариш ғоясига салбий муносабатда бўлсалар, у ҳолда улар тегишли молиявий қарорлар қабул қилмайдилар.	

2-расм. Халқаро молия институтларининг аҳоли молиявий саводхонлигини аниқлаш бўйича услубий ёндашувлари¹¹.

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Жаҳонда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолаш ва уни мониторингини амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда ИХТТ ва Жаҳон банки гуруҳининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон банки гуруҳининг методологиясига мувофиқ молиявий саводхонлик даражасини баҳолашда «Молиявий саводхонлик» ва «Молиявий компетентлилик» ёндашувлари мавжуд. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларда «молиявий таълим» иқтисодий категориясига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш деганда молиявий таълимнинг йўлга қўйилганлиги назарда тутилади. Фикримизча, Ўзбекистонда халқаро молия институтларининг тажрибаларини инобатга олган ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини баҳолаш миллий тизимини ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишга мамлакат миқёсида қайси ташкилот масъул этиб белгиланган бўлса, ушбу ташкилот томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган (2-жадвалга қarang).

2-жадвал

Мамлакатларнинг аҳоли молиявий саводхонлиги даражасини ошириш дастурларини молиялаштириш манбалари бўйича гуруҳланиши¹²

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ДАСТУРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ	МАМЛАКАТЛАР
Марказий банк томонидан молиялаштирилади	Чехия, Корея Республикаси
Мамлакат миқёсида молиявий бошқарув ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади	АҚШ, Буюк Британия
Аҳолининг бандлигини таъминлаш мутасадди давлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилади	Австрия, Финляндия
Таълим вазирлиги ва таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар томонидан молиялаштирилади	Словакия
Хусусий сектор томонидан молиялаштирилади	Бельгия
Турли молиявий ва мақсадли фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади	Польша
Марказий банк ва тижорат банклари томонидан молиялаштирилади.	Ўзбекистон


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сонли Фармонида асосан банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига молиявий

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

очиқликни ва уларнинг саводхонлик даражасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Диссертациянинг «**Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари**» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг банк-молия тизмидаги ҳуқуқий-институционал асосларининг шаклланиш босқичлари аниқланган, аҳолининг молиявий саводхонлик ҳолати ва ривожланиш тенденциялари баҳоланган, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишда тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизматлардан фуқароларнинг фойдаланиш ҳолати, Халқаро молия корпорацияси томонидан 2020 йилда мамлакатимиз аҳолисининг молиявий салоҳиятини баҳолаш мақсадида амалга оширилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган, «Covid-19» пандемиясининг аҳоли жамғармаларига таъсири ва унинг молиявий саводхонлик даражаси билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш, хонадон хўжалиқларининг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини бошқариш ва уларни режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришда тижорат банклари етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражаси ва уларнинг молиявий саводхонлиги даражасини аниқлашда тижорат банклари томонидан хусусий секторга ажратилган кредитларининг ЯИМдаги улушини ҳисоблаш услубидан фойдаланишлари халқаро амалиётда қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади.




3-расм. Тижорат банкларидан хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМдаги улуши (2020 йил 1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)¹³.

Халқаро экспертлар фикрича, мамлакатимизда молиявий воситачилик даражаси ва банк кредитларининг ЯИМдаги улуши нисбатан паст ҳисобланади.


¹³ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3-расм маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, 2019 йилда Польша (50,7 %), Словения (42,5 %) ва Словакия (62,8 %) мамлакатларида банклар томонидан хусусий секторга ажратилган кредитларининг мамлакат ЯИМдаги улуши бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлиб, ушбу мамлакатларда молиявий воситачилик муносабатларининг жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Жумладан, Бразилия (62,6 %), Россия (52,7 %), Хиндистон (50,1 %) каби мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишга қаратилган давлат дастурларининг изчил амалга оширилаётганлиги туфайли банклар томонидан хусусий секторга ажратилган кредитлар ҳажми сезиларли даражада ортганлиги кузатилмоқда.



4-расм. Тижорат банклари жами депозитлар қолдиғида жисмоний шахслар депозитларининг улуши (фоиз ҳисобида)¹⁴.

4-расм маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, мамлакатимизда тижорат банкларининг жами депозитлар қолдиғида жисмоний шахслар депозитлари улуши юқори эмаслиги, уларнинг банк тизимига нисбатан ишонч даражасининг пастлигини исботлайди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2016 йилда банклардаги жами депозит қолдиғида жисмоний шахсларнинг улуши 23 фоизни ташкил этган ҳолда, 2021 йилда келиб ушбу кўрсаткич 23.9 %га тенг бўлиб, 0,9 пунктга кўпайган.



5-расм. Миллий валютада ажратилган кредитлар қолдиғида жисмоний шахсларга берилган кредитлар улуши (фоиз ҳисобида)¹⁵.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2016-2021 йилларда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган жами кредитлар қолдиғи 5.4 баробарга кўпайган ҳолда жисмоний шахсларга берилган кредитлар қолдиғи эса 7,4 баробарга ошган. 2016 йилда миллий валютада ажратилган кредитлар қолдиғида жисмоний шахсларга берилган кредитлар улуши 31,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 42,5 фоизга етган (5-расмга қаранг).



6-расм. Банк тизимидаги муаммоли кредитлар ҳажмининг динамикаси (фоиз ҳисобида)¹⁶.

6-расм маълумотларига кўра, 2016-2021 йилларда тижорат банкларида муаммоли кредитлар ҳажми қарийб 0,4 трлн. сўмдан 17,0 трлн. сўмга ортганлиги кузатилади. Жумладан, 2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, бандликни таъминлашга қаратилган давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитлар туфайли муаммоли кредитлар ҳажми ортди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш уларнинг ўсиб бораётган кредит қарздорлигини самарали бошқариш ва муддати ўтган кредит қарздорлиги даражасини камайтиришда муҳим роль ўйнайди.



7-расм. Ўзбекистон аҳолисининг молиявий саводхонлик даражаси балларининг тақсимланиши (фоиз ҳисобида)¹⁷.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁷ «Повышение финансовой компетентности и финансовой доступности в Узбекистане». Оценка со стороны спроса Узбекистан, июнь 2020 г. МФК 2020 г. – С. 48.

2020 йилда Жаҳон банкининг Халқаро молия корпорацияси томонидан Ўзбекистонда аҳолининг молиявий компетентлик даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилган тадқиқотида фуқароларнинг молиявий билимдонлик ҳолати ва молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича кўникмаларини аниқлашда оддий фоиз ставкалари, инфляция, мураккаб фоизлар, рискларни диверсификация қилиш, суғурта маҳсулотларини тайинлаш каби етти саволлардан иборат сўровнома анкетаси ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўрта ҳисобда мамлакатимиз катта ёшдаги фуқаролари молиявий саводхонлик билан боғлиқ етти саволлардан тўрттасига тўғри жавоблар беришган ва молиявий саводхонлик кўрсаткичи 4,09 баллни ташкил этган. Респондентларнинг аксарияти 4-5 та саволга тўғри жавоблар беришган (20 фоиздан 23 фоизгача), респондентларнинг 5 фоизи барча саволларга тўғри жавоб қайтаришган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг устувор йўналишлари**» деб номланиб, Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолашнинг миллий индикаторлари тизимини ишлаб чиқишнинг зарурияти асосланган, Республика тижорат банкларида, шу жумладан, Трастбанкда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ҳамда бозор иқтисодиётига хос молиявий хулқ-атворини шакллантиришга қаратилган самарали ўқув дастурларининг амалга оширилиши мижозларнинг банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ва муаммоли кредитлари ҳажмининг камайишига таъсири таҳлил этилган. Регрессион-корреляцион таҳлилга асосланган ҳолда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан мижозларининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган харажатларининг ошиши уларнинг молиявий кўрсаткичларига бўлган ижобий таъсири 2026 йилгача прогноз қилинган. Мамлакатда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат дастурларини самарали амалга ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолашнинг миллий индикаторлари тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, мамлакатимизда аҳоли молиявий саводхонлигини комплекс баҳолаш имконини берувчи миллий индикаторлар тизимини ишлаб чиқишда таълимий, амалий ва молиявий компетентлик ёндашувларига асосланган ҳолда уч даражали баҳолаш мезонларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу турдаги баҳолаш сўровнома шаклида амалга ошириладиган тадқиқотларга асосланади. Тузилган сўровнома уч блокдан иборат бўлиб, ҳар бир блок учун баҳолаш чегаралари 0,000-1,000 коэффицент оралиғида бўлади. Биринчи блок (X_{MT} – молиявий таълим блоки) орқали респондентларнинг молиявий билимининг даражаси баҳоланса, иккинчи блок (Y_{MA} – амалий фаолият блоки) ва учинчи блок (Z_{MK} – молиявий компетентлик блоки) молиявий кўникма ҳамда малакаларнинг самарали молиявий қарорларни қабул қилиш қобилияти даражаларини

баҳолашга қаратилган саволлардан иборат бўлади. Ҳар бир блокда бериладиган саволлар молиявий таълим, амалий ёндашувлар ва молиявий компетентлик асосида тузилади. Блоклар бўйича жамланган натижалар умумлаштирилади ва қуйидаги формула орқали аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси баҳоланади:

$$K_{MSD} = \sqrt[3]{X_{MT} * Y_{MA} * Z_{MK}} \quad (1)$$

Бу ерда:

K_{MSD} – аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси

